

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕР КАДАСТРИ ФАКУЛЬТЕТИ**

«ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ» кафедраси

«ЕР МОНИТОРИНГИ» фани

**ЕР ФОНДИ ТОИФАЛАРИДА ЕР
МОНИТОРИНГИНИ ОЛИБ БОРИШ
ТАРТИБИ**

МАВЗУ: ЕР ФОНДИ ТОИФАЛАРИДА ЕР МОНИТОРИНГИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

Режа:

- 1. Ер тоифаларида ер мониторингини олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари.*
- 2. Ер мониторинги тадқиқотлари.*
- 3. Ер тоифаларида ер мониторингини ўтказиш тартиби.*

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Рахмонов Қ. Ер мониторинги. Ўқув қўлланма, - Тошкент: ТИМИ, 2008-153 б.
2. Варламов А.А., Захарова С.Н. Мониторинг земель. – Москва: ГУЗ, 2000. – 283 б.

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» - Т.: «Адолат», 1998 (2003-2011 й.й. ўзгаришлари билан).
2. «Қишлоқ хўжалик корхоналарида суғориладиган ерларнинг тупроқ бонитировкаси ва ерларни иқтисодий баҳолаш» мавзуси бўйича курс ишини бажариш учун методик кўрсатмалар. Тузувчилар; Бабажанов А.Р ва бошқалар. Т.,ТИМИ, 2005.
3. Ўзбекистон Республикаси «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонуни Т. «Адолат», 1998 (2003-2011 й.й. ўзгаришлари билан).
4. “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси миллий ҳисоботлари, Т.:2012-2015 йй.

Интернет сайтлари www.lex.uz. www.ziyonet.uz. www.landkadastr.com
www.guz.ru

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Рахмонов Қ. Ер мониторинги. Ўқув қўлланма, - Тошкент: ТИМИ, 2008-153 б.
2. Варламов А.А., Захарова С.Н. Мониторинг земель. – Москва: ГУЗ, 2000. – 283 б.

Ер мониторинги Ўзбекистон Республикаси ер фонди тоифалари бўйича тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан ягона услуб бўйича олиб борилади. Бу услуб бўйича ҳар бир тоифа ерларининг миқдор ва сифат ҳолати баҳоланади, тезкор ва мунтазам кузатиш ишлари амалга оширилади, тадқиқотлар, текширишлар ўтказилади ҳамда план ва картографик материаллар тайёрланади.

Ўзбекистон Республикаси ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши

минг га. ҳисобида

Т/р	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдон		Шу жумладан, суғориладиган ерлар	
		Жами	Ҳоиз ҳисобида	Жами	Ҳоиз ҳисобида
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20388,8	45,42	4209,3	9,37
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	219,2	0,49	49,9	0,11
3	Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	909,6	2,03	12,3	0,03
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	76,0	0,17	0,8	0,002
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	13,7	0,03		
6	Ўрмон фонди ерлари	9773,0	21,77	33,2	0,07
7	Сув фонди ерлари	833,3	1,85	4,7	0,01
8	Заҳира ерлар	12678,8	28,24	2,2	0,005
	Жами ерлар:	44892,4	100,0	4312,4	9,6

Ўзбекистон Республикаси ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши

минг га. ҳисобида

Т/р	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдон		Шу жумладан, суғориладиган ерлар	
		Жами	Ҳоиз ҳисобида	Жами	Ҳоиз ҳисобид а
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20174,0	44,94	4205,8	9,37
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	220,8	0,49	51,1	0,11
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	905,3	2,02	12,1	0,03
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	704,3	1,57	0,9	0,002
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	14,1	0,03		
6	Ўрмон фонди ерлари	11191,9	24,93	36,0	0,08
7	Сув фонди ерлари	833,6	1,86	4,8	0,01
8	Заҳира ерлар	10848,4	24,16	2,2	0,005
	Жами ерлар:	44892,4	100,0	4312,9	9,6

ЕР ТОИФАЛАРИДА МОНИТОРИНГИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

Қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар мониторинги



“Давергеодезкадастр” қўмитаси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари

Аҳоли пунктлари ерлари мониторинги



“Давергеодезкадастр” давлат қўмитаси ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлардаги ерлар мониторинги



Маданият ишлари вазирлиги, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳамда бошқа тегишли идоралар

Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреацион мақсадлардаги ерлар мониторинги



Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси

Тарихий-маданий мақсадлардаги ерлар мониторинги



Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

Ўрмон фонди ерлари мониторинги



Ўрмон хўжалиги Давлат қўмитаси

Сув фонди ерлари мониторинги



Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Гидрометеорология хизмати маркази

Захира ерлар мониторинги



“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси

Ер тоифалари бўйича ер мониторинги ишлари амалга оширишда қуйидаги тадқиқотлар олиб борилади:

- тупроқ тадқиқотлари;*
- мелиоратив тадқиқотлар;*
- гидрогеологик тадқиқотлар;*
- геоботаник тадқиқотлар.*

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилиги томонидан Қишлоқ хўжалиги мақсадаларига мўлжалланган ерлар тоифасида қуйидаги жараёнлар бўйича мониторинг ўтказилади:

- ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар бўйича ерлардан фойдаланиш даражаси;
- қишлоқ хўжалик ер турлари, экинзорлар, далалар, участкалар, манзара-экология комплексларининг ҳолати;
 - ерлар унумдорлиги ва сифатининг ўзгариши;
- ерларнинг таназзули ва деструкцияси (аридизация ва чўлланиши, сув, ирригация ва шамол эрозияси, чиринди миқдори ўзгариши, тупроқ таркибининг ўзгариши, оҳаклилиги, бегона ўт босганлиги, шўрланганлиги, ерларнинг пестицидлар, оғир металллар, радионуклидлар ва бошқа токсик моддалар, саноат, маиший ва бошқа чиқиндилар билан ифлосланиши);
- табиий озуқабоп ўтлар қоплами ҳолатининг ўзгариши (ўсимликлар таркиби, тузилиши, ҳосилдорлиги, сифати ва тўйимлилигининг ўзгариши) билан боғлиқ жараёнлар.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан аҳоли пунктлари ерлар тоифасида қуйидаги жараёнлар бўйича ўтказилади:

- ерларнинг ҳуқуқий режимларини бузувчи жараёнлар (ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ўзбошимчалик билан қурилишлар қилиш ва ҳоказо):**
- архитектура - қурилиш ҳолатига салбий таъсир этувчи жараёнлар (мавжуд меъёрий талабларни бузган ҳолда носамарадор равишда ҳудудларни ташкил қилиш, объектларни қуриш ва фойдаланиш ва бошқалар);**
- муҳандислик - қурилиш ҳолатига салбий таъсир этувчи жараёнлар (ички ва ташқи муҳандислик–геологик жараёнлар: емирилиш - ўпирилиш ҳолатлар, чўкишлар, кўтарилиб қалқишлар, сув босишлар, ботқоқпанишлар ва бошқалар);**
- экологик ва санитар-гигиеник ҳолатига салбий таъсир этувчи жараёнлар (ўсимлик қопламларини йўқ қилиш, ерларни турли зарарли моддалар билан ифлосланиши ва заҳарланиши, турли маиший чиқиндиларнинг тўпланиб қолиши);**
- тупроқ қоплами ҳолатига салбий таъсир этувчи жараёнлар.**

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ва бошқа тегишли идоралар томонидан Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадлардаги ерлар тоифасида қуйидаги жараёнлар бўйича ўтказилади:

- нефть ва газ қазиб олиш, тозалаш иншоотлари, гўнгхоналар, ахлатхоналар, ёнилғи-мойлаш материаллари, ўғитлар, заҳарли химикатлар омборлари, токсик саноат чиқиндилари ва радиоактив материаллар кўмилган жойлар, шунингдек бошқа саноат объеклари ерларининг ҳолати.

- ерларнинг сифатини бузувчи жараёнлар (экологик талабларга риоя қилмаслик, ифлослантириш ва ҳоказо):

- ерларнинг ҳолатига салбий таъсир этувчи жараёнлар (мавжуд меъёрий талабларни бузган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, объекتلарни қуриш, фойдаланиш ва бошқалар);

- экологик ва санитар-гигиеник ҳолатига салбий таъсир этувчи жараёнлар (ўсимлик қопламларини йўқ қилиш, ерларни турли зарарли моддалар билан ифлосланиши ва заҳарланиши, турли чиқиндиларнинг тўпланиб қолиши).

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреацион мақсадлардаги ерлар тоифасида қуйидаги жараёнлар бўйича ўтказилади:

- табиий ҳудудлардаги ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар бўйича ерлардан фойдаланиш даражаси;
- муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг, манзара-экология комплексларининг ҳолати;
- ерлардан фойдаланишда экологик талабларга риоя қилиниши;
 - ерлар унумдорлиги ва сифатининг ўзгариши;
- ерларнинг таназзули ва деструкцияси;
- табиий, ноёб ва озуқабоп ўтлар қоплами ҳолатининг ўзгариши (ўсимликлар таркиби, тузилиши, ҳосилдорлиги, сифати ва тўйимлилигининг ўзгариши) билан боғлиқ жараёнлар.
- ерларнинг деградацияга ушраши, шамол ва сув эрозияси, мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви;
- табиий ландшафтларнинг бузилиши.

*Эътиборларингиз учун
рахмат!*